

Буннан шығатуғын жуўмақ сол: улыўма, миллий әдебиятлар аралық бундай әдебий байланыслар хәм өз ара әдебий тәсирлердиң сол миллий әдебиятлардың өсип раўажланыўында тутқан орны оғада әҳмийетли. Себеби, бундай әдебий байланыслар менен өз ара тәсирлер, бириншиден, сол миллий әдебиятлардың идеялық-тематикалық, жанрлық, формалық жақ-

тан өсип, раўажланыўына, миллий өзіншелигиниң хәр тәреплеме жетилисиўинде идеялық түртки хызметин атқарыў менен бирге, бүгинги Ғәрезлик дәўиринде Өзбекстан халықларының дослық, туўысқанлық қатнасларының бекемлениўиниң де үлкен руўхый-эстетикалық миллий дәреклери болып табылады.

Әдебиятлар

1. Бердақ. Шежире. Поэма. - Нөкис: «Қарақалпақстан», 1993.
2. Максетов Қ. Бердақ творчествосының үйренилиўи, «Шежире»синиң халықлығы. – Бердақ хақында сөз. - Нөкис: «Қарақалпақстан», 97-б.
3. Алламбергенов К. Қарақалпақ әдебиятында айтыс. - Нөкис: «Қарақалпақстан», 1989.
4. Айтыс. 2-т. Алматы: «Жазушы», 1965.
5. Әжинияз. Таңламалы шығармалары жыйнағы. - Нөкис: «Қарақалпақстан», 1988.
6. Әуезов М. Айтыс өлеңдери. –Айтыс, 2-т. Алматы: «Жазушы», 1965.
7. Тойшыбаева С. Қазақ-қарақалпақ әдебиятының байланысы. – Казахская литература и её интернациональные связи. – Алма-Ата: Наука КазССР, 1961.
8. Күнхожа. Қосықлар. - Нөкис: ҚҚМБ, 1961. 145-б.
9. Исмайылов Б. Күнхожаның өмири хәм творчествосы. - Нөкис: ҚҚМБ, 1964. 34-б.
10. Мәмбетов К. Өзбек хәм қарақалпақ әдебий байланыслары. - Нөкис: «Қарақалпақстан», 1992.
11. Жармухаммедов М. Айтыстың даму жолдары. Алматы: «Ғылым», 1976.
12. Жумажанов Қ. Қарақалпақ аймағындағы қазақ әдебияты. – Алматы: «Арыс», 2006.
13. Максетов Қ. Қарақалпақ жыраў-бақсылары. - Нөкис: «Қарақалпақстан», 1983.
14. Қазақтың хәзирги халық поэзиясы. – Алматы: «Ғылым», 1973.
15. Бердақ. Таңламалы шығармалары жыйнағы. - Нөкис: «Қарақалпақстан», 1977.
16. Жумажанов Қ. Қарақалпақ аймағындағы қазақ әдебияты.: Филология илимлериниң докторы илимий дәрежесин алыў ушын таярланылған диссертацияға қосымша мәтин. – Нөкис: 2006.
17. Жумажанов Қ. Дослықтың терең тамырлары. – Жаслар пәрўазы. Нөкис: «Қарақалпақстан», 1982.

РЕЗЮМЕ

Мақолада козoқ-қарақалпоқ халқларининг адабий алоқалари ва ўзарo таъсирлари, миллий адабиётларнинг ғоявий-мавзувий, жанр, шаклий жиҳатдан ривожланиши, миллий ўзига хослиги ҳар томонлама ўрганилган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается литературная взаимосвязь казахско – каракалпакских взаимовлияний, всестороннее совершенствование национальной литературы, идейно- тематическое, жанровое, развитие с точки зрения формы и достижения национального своеобразия.

SUMMARY

The article deals with the study Kazakh and Karakalpak influence, excessive improvement of national literature ideological thematic and genre, development from the point of view of form and achievement of national peculiarity.

ВОЗЕҲ САЁҲАТНОМАСИДА МАЪРИФАТПАРВАРЛИК ҒОЯЛАРИ ТАЛҚИНИ

З.Ю.Юнусзода - катта илмий ходим-изланувчи

Самарқанд давлат университети

Таянч сўзлар: саёхатнома, жанр, ғоявий мазмун, маърифатпарварлик қарашлар, сиёсий фикрлар, реалистик тасвир усули.

Ключевые слова: хождение, жанр, идейное содержание, просветительские взгляды автора, политические идеи, реалистические методы описаний.

Key words: travel notes, genre, a conceptual content, enlightenment views of the author, political ideas, realistic descriptive methods.

Қорий Раҳматуллох бинни Ошур Муҳаммад Возеҳ XIX аср адабиётининг намояндаларидан бири бўлиб 1818-1894 йилларда Бухоро адабий муҳитида яшаб ижод этган. Ўз тазкирасида берган маълумотиға кўра, у дастлаб қорийлар мактаби, кейинчалик мадрасада таҳсил олиб, даврнинг маърифатли ва зиёли кишиларидан бирига айланган [1:226]. Унинг кейинги даврдаги ҳаёти амир саройи билан боғлиқ бўлган.

Возеҳ уч тил (ўзбек, форс, араб)да қалам тебратган маҳоратли шоир, таниқли ёзувчи ва тазкиранавис олим ҳисобланиб, тазкиралар унинг

11 та асари ҳақида маълумот беради. Аммо бизгача “Тухфат ул-аҳбоб фи тазкират ул-асҳоб” номли тазкираси, “Савонех ул-масолик фй фаросих ул-мамолик” деган сафарномаси, “Ақоид ун-нисо”, “Кони лаззат ва хони неъмат” асарлари ва шеърларидан айрим парчалар етиб келган. Бундан ташқари, Возеҳнинг “Шақойиқ уд-дақойиқ” (“Ҳар хил исмлар ва уларнинг арбоблари тўғрисида”), “Ароис ул-абкор ва наводир ул-афкор” (“Турфа насрий ва назмий ҳикоялар”), “Тухфаи амоян” (“Тиббиёт илми ҳақида рисола”), “Устурлоб ахволи ҳақида”

(Хотам Шайх Баҳой рисоласининг ўзбек тилидаги таржимаси) каби асарлари ҳам мавжуд бўлиб, улар ҳозиргача топилмаган.

Возеҳ ижодида “Савонеҳ ул-масолик фй фаросих ул-мамолик” сафарномаси алоҳида ўрин тутди. Унинг кулѐзмаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абурайхон Беруний номидаги шарқшунослик институтида 810 рақами остида сақланмоқда. Бу саѐхатнома маърифатпарварлик ғояларини тарғиб этувчи асар бўлиб, у орқали Возеҳ маърифатпарвар адиб сифатида эътироф этилади [5:126].

Возеҳ маърифатпарварлик даври адабиѐтида Аҳмад Донишдан сўнг сафарнома жанрида асар ижод этган иккинчи адибдир. У ўз саѐхатномасини асосан Аҳмад Дониш таъсирида яратган. Бу асар ва унинг муаллифи ҳақида адабиѐтшунос Т.Неъматзоданинг номзодлик диссертацияси ҳамда Р.Ҳодизоданинг тадқиқотлари мавжуд [3;4;5], иккала тадқиқотчи ҳам Возеҳни ёрқин маърифатпарвар адиб, унинг “Савонеҳ ул-масолик” асарини маърифатпарварлик адабиѐти намунаси сифатида тавсиф ва таҳлил этади, бироқ иккала олим ҳам асарнинг жанрини тилга олмаган.

Агар Аҳмад Дониш ўз сафарномаларини яратишда форс – тожик мумтоз адабиѐтининг мазкур қадимий жанрини мазмун ва ғоя, маърифатпарварликнинг янги сифат ва моҳияти асосида янгиланган, уни тараққийпарварлик мақсад-муддаосининг ифода воситасига айлантирган бўлса, Возеҳ ўз асари билан янги адабиѐтда бу жанр анъанаси мавқеини юксалтирди. Шубҳасиз, Возеҳ Аҳмад Донишнинг маърифатпарвар ақидаларидан хабардор эди, ўз сафарномасини ундан таъсирланган, издошлик қилган ҳолда яратган.

Бу даврда Аҳмад Дониш ижодида юзага келган янги маърифатпарварлик сафарномаси Возеҳ ижодида анъанавий сафарнома билан уйғунлашган ҳолда юз кўрсатди. Возеҳ анъанавий сафарноманинг шаклий доирасида, ҳаж сафари таассуротларини қаламга олиб, бунинг заминида мусулмон Шарқ давлатлари ҳаѐтидаги оддий, муқаррар ҳамда ғаройиб нарсалар қаторида янги ҳаѐт нишонлари, маданий ва илмий-техникавий янгилликларни ҳам илғади, тасвир этди. Ибратомўз нарсалар ва замонавий илм-техниканинг қудратига асарда унчалик кўп маълумотлар берилмаган. Шарқ мамлакатларидан бошланган бу саѐхатида ѐзувчи янгилликлар ҳамда уларнинг аҳамиятини асосан Шарқ Ғарб мамлакатлари билан туташган жойларда кенгрок тасвирлайди. Муаллиф илм техниканинг янгича қудратини дастлаб Янги Марв, кейинчалик Истамбул, Юнон, Искандария, Техронда кузатганини қайд этади. Асарда оддий нарса-ҳодисалар билан бир қаторда, Янги Шарқ мамлакатларидаги янгича турмуш тарзи, илмий юксалишни кенг тасвирлайди. Айнан шу ҳол унинг сафарномасига замонавий руҳ бахш этиб, Аҳмад Дониш ва бошқа маърифатпарвар ѐзувчиларнинг сафарномаларига яқинлаштиради.

Возеҳнинг маърифатпарвар ғояларини баѐн этиш усули Аҳмад Дониш ва бошқа маърифатпарвар адиблар сафарномаларидаги

услубдан фарқ қилади. Бу услуб сафар мушоҳадаларининг холис ва бетараф баѐнидан, юрт ва халқлар ҳаѐт тарзининг объектив тасвири, мушоҳада этилган нарса ва ҳодисалар моҳиятини ўз тилида баѐн этиш, факт ва рақамлар келтиришдан иборат. Аҳмад Дониш асарида бўлганидек муаллифнинг нарса ва ҳодисаларга субъектив муносабати, уларнинг муайян мафкура нуқтаи назаридан шарҳ ва изоҳи, факт ва ҳодисаларнинг таҳлил ва тадқиқи Возеҳ сафарномасига хос эмас. Возеҳ кўрган ва қаламга олган нарса-ҳодисаларга нисбатан, хоҳ улар илғор ва янги бўлсин, хоҳ эски ва қолоқ бўлсин, ижобий ёхуд салбий нуқтаи назарини ошқора изҳор этмайди, уларга баҳо бермайди. Унинг тасвир услуби ўзи кўрган шаҳар ва қишлоқлардаги халқ ҳаѐти ҳақиқатини холис қаламга олишдан иборат. Бу борада ѐзувчи асар муқаддимасида нозик ишора билан сафар давомида кўрган ҳар бир шаҳар ва қишлоқ, улардаги ажойиб ва ғаройиб ҳодисаларни “мазҳабий тақаллуф ва тасаннўъ ҳамда миллий таассуб ва тасаллуфлардан қатъи назар” [2:100] фақат уларнинг воқеий ҳақиқати эътиборидан қаламга олишни истаганлигини таъкидлайди.

Бу асарда одатда маърифатпарварлик сафарномаларида мавжуд бўладиган хис-ҳаяжон, ҳайрат ва таажжуб ҳамда публицистик услубга хос дарду изтироб кўзга ташланмайди. Возеҳ асарида муаллифнинг объектив маърифатпарварлик муносабати баъзи шаҳарларда кўрган бир қатор илғор ва намунавий нарса-ҳодисаларда ўз ифодасини топган.

Бу асардаги бетарафлик ва сафар ҳужжатларининг объективлиги жумладан Носир Хусрав сафарномасини ѐдга солади. Бироқ унинг сафарномаси бир томондан олдинги давр сафарномалари анъанасининг давоми бўлса, иккинчи томондан, замон талабларига мос ҳолда илғор маърифатпарварлик ғоялари билан суғорилган. Шунга кўра айтиш мумкинки, Возеҳ сафарномасида ҳам маърифатпарварлик даврининг бошқа сафарномалари каби мазкур жанрнинг янгиланиши амалга ошган. Бироқ бу янгиланиш, гувоҳ бўлганимиздек, жанр анъанаси зимнида ва унга боғлиқ бўлган ҳолда бўй кўрсатди.

Возеҳ ўз сафарномасида воқеъгўй (реалист) ѐзувчи сифатида иш тутган. Унинг воқеъгўйлиги нарса ва ҳодисаларни айнан, ўзгаришсиз ҳужжатли тарзда қаламга олишда кўринади. Уларнинг таҳлил ва моҳиятини аниқлашни муаллиф ўз бурчи деб билмайди. Унинг асари баѐн хусусиятига эга бўлиб, фақат маълумот бериш, ҳужжат келтириш, воқеабаѐнликка асосланади. Тасвирланаѐтган воқеа-ҳодисалар таҳлилини эса муаллиф ўқувчи ихтиѐрига топширади. Возеҳ сафарномасида тасвир объекти бўлган шаҳар ва қишлоқлар ҳаѐтини ўз ватанидаги воқелик билан қиѐс этмаса-да, ватандош ўқувчиларига бундай қиѐслаш учун имкон яратади. Бу ижодий принцип саѐхатнома жанрининг асосий хусусиятларидан биридир. Шунинг ҳам таъкидлаш жоизки, XIX аср охири – XX аср бошларида миллий адабиѐтларда реализмнинг илк қуртаклари маърифатпарвар

адабиёти вакиллари ижоди асосида юзага келди. Возех ҳам ўз саёхатномаси орқали реалист ёзувчи сифатида намоён бўлади. У нарсаси – ҳодисаларни ҳаётда қандай бўлса, шундайлигича тасвирлайди. Уларнинг таҳлили ва тадқиқини ўқувчилар ҳукмига ҳавола қилади. У ҳар хил ҳикоят ва нақллар орқали, хусусан, мусулмон Шарқ мамлакатларида кузатган илмий техникавий тараққиётни ҳолисона таърифлайди. Ёзувчи бу билан ўз ватандошларига “дунёнинг тараққиёт палласига кирганлигини, улар эса ундан йироқда қолганлигини, уларнинг ҳаёт тажрибаларидан ибрат олмақлик”ни ўқитмоқчи бўлади. У ўз ватандошлари онига иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий юксалишлар натижаларини сингдиришга ҳаракат қилади. Аслида асарнинг яратилишига ҳам айни шу мақсад асос бўлган.

Возех сафарномаси маърифий характерга эга бўлиб, бу нарсаси унинг жанр хусусиятларига мувофиқ тушган. У маърифатпарвар адиб сифатида моддий ва маънавий ривожланишни фақатгина замонавий билимларни эгаллаш орқали қўлга киритиш мумкинлигини таъкидлайди. Муаллифнинг бу фикрлари ўша даврдаги Бухоро мадрасаларида ўқитиладиган схоластик таълим принципларига мутлақо қарама – қарши эди. У дунёвий илмларнинг ривожланиши ҳамда кашфиётларнинг вужудга келишини давлат ишларининг бир қисми, деб билади, уларни барчаси давлат ва халқ манфаатларига хизмат қилишини таъкидлайди.

Возех сафарномасида ёзувчининг маърифатпарварликка йўналтирилган сиёсий назарияси ҳам ўз ифодасини топган. Ёзувчи ҳамсухбати (карбалоллик киши) тилидан ўша давр бошқарув тизими масаласига оид ўз мулоҳазаларини баён этиб, Европа мамлакатларида дин давлатдан

ажратилганлигини таъкидлайди. Возех карбалоллик кишининг нутқи воситасида давлат бошқарувида ҳукмдорнинг қонун ва конституцияга амал қилиши, Аҳмад Донишга зимдан эргашган ҳолда Бухоро амирлигида “низом ва зақун”нинг жорий қилинишини иштайди.

Возех сафарномасида ёзувчининг муайян тараққиётпарвар сиёсий фикрлари тизими ўзига хос услубда баён этилган. Бу факт ва ҳужжатлар тили билан сафар давомидаги ибратли нарсаси ҳодисаларни қаламга олиш воситасида маърифатпарварлик ва тараққиётпарварлик ғояларини талқин этиш услубидир.

Сафарнома содда ва тушунарли тилда ёзилган бўлиб, ёзувчи ҳар хил муносабат билан техника ва унинг ашёлари, Европа маданияти ва турмушига хос нарсалар ҳақида сўз борганда, русча-интернационал сўз истилоҳлардан фойдаланади.

Хуллас, Возехнинг “Савонех ул-масолик” асарида Аҳмад Донишнинг сафарномасига қараганда илғор маърифатпарвар ақидалар озроқ бўлса-да, ундан кейинги маърифатпарварлик адабиётидаги саёхатномаларнинг шаклланишида муҳим рол ўйнади. Возех сафарномасининг бош хусусияти унинг маърифатчилик йўналишида эканлигидадир. Муаллиф бошқа халқлар маърифати, ўзга шаҳар ва мамлакатлардаги тараққиётни акс эттириш воситасида китобхон тафаккурини уйғотишга интиланган. Бу асарда ёзувчи ривожланган мамлакатларнинг илғор турмуш тарзини, унинг тараққиёт омилларини кўрсатиш орқали ўқувчига ўз халқи аҳолини тушунишга имкон беради, ватандошларини маърифатга чорлайди, миллатни фикрий уйғокликка даъват этади.

Адабиётлар

1. Возех Қорӣ Раҳматуллоҳ. Тухфат ул-аҳбоб фи тазкират ул-асҳоб. – Душанбе: 1977. 226-б.
2. Возех Қорӣ Раҳматуллоҳ. Савонех ул-масолик фӣ фаросих ул-мамолик. ЎРФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти. 810 рақамли қўлёзма.
3. Неъматзода Т. Дар бораи Возех ва асари ӯ “Савонех ул-масолик фӣ фаросих ул-мамолик”. – Сталинобод: Нашр. Давл. Тоҷик., 1957. –С. 48.
4. Неъматзода Т. Возех. –Дешанбе: Ирфон, 1965. –С. 230.
5. Ҳодизода Р. Адабиёти тоҷик дар нимаи дуввуми асри XIX. –Душанбе: Дониш, 1968. –С. 294.

РЕЗЮМЕ

Мақола XIX асрнинг иккинчи ярмида Бухоро адабий муҳитида яшаб ижод этган маърифатпарварлик адабиётининг намоёндаси Қорӣ Раҳматуллоҳ Возех “Савонех ул-масолик фӣ фаросих ул-мамолик” (Йўллар воқеаси ва мамлакатлар масоҳати) саёхатномаси тадқиқотида бағишланган бўлиб, унда асарнинг жанрий хусусиятлари, ғоявий мазмуни, муаллифнинг тараққиётпарварлик қарашлари, сиёсий фикрлари ва реалистик тасвир усули таҳлил қилинади.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается исследование хождений Кори Рахматуллох Возех “Савонех ул-масолик фӣ фаросих ул-мамолик” (“Дорожные рассказы и площади стран”) представителя просветительской литературы, посвятившего себя литературной деятельности во второй половине XIX века в Бухаре, также анализируются особенности жанра, идейное содержание, просветительские взгляды автора, политические идеи и реалистические методы описаний.

SUMMARY

The article deals with the research work of Kori Rakhmatulloh Vozeh “Savoneh ul-masolik fi farosih ul-mamolik” (“Travel stories and the areas of the countries”) of the literary representative enlightener who lived and worked in the field of literature in the second half of the XIX century in Bukhara. It contains the analysis of the novel’s genre peculiarities, a conceptual content, author’s progressive views, political thoughts and realistic descriptive methods.